


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил 2 март куни жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг очик сайёр суд мажлиси Оқдарё тумани Пўлатдархон маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, суд раиси Ш.Турсуновнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Раббимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оқдарё туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Мустафакулов, судланувчи У.Т ва унинг ҳимоячиси “Юсупов Алижон” адвокатлик бюроси адвокати А.Юсупов ҳамда жабрланувчи Н.Рларнинг иштирокида, У.Тга нисбатан 1-1411-2601/41-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,



Ҳужжат имзоланган: Турсунов Шерзод Муслимонкулович, 02.03.2026





Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

У.Т, жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2025 йил 5 декабрь кунидаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси билан жарима жазоси қўлланилганидан кейин, 2025 йил 11 декабрь куни соат 18:00ларда ҳеч бир сабабсиз, Оқдарё тумани “Кумушкент” маҳалла фуқаролар йиғини “Кумушкент” қишлоғида яшовчи қайнотаси Н.Рнинг яшаш хонадонига бориб, Н.Рни турли ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан ҳақорат қилган.

У.Т суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2025 йил 11 декабрь куни қайнотаси Н.Рўзиевнинг туғилган куни бўлганлиги сабабли бир гуруҳ табриклаш хизмати ходимларини ўзи билан бирга олиб соат 18:00ларда яшаш уйига борганлигини, ўзаро келиб чиққан тортишув натижасида у жаҳл устида қайнотасининг шаъни ва қадр-қимматини қасддан таҳқирлаб ҳар хил сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, ҳозирги кунда қилмишидан пушаймонлигини, қайнотасидан кечирим сўраб ярашиб олганлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи У.Т эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлса-да, унинг айби суд мажлисида текширилган ва тўпланган қуйидаги далиллар билан ҳам ўз исботини тўлиқ топади:

жумладан, жабрланувчи Н.Рнинг суд мажлисидаги, 2025 йил 11 декабрь куни уни туғилган куни бўлганлигини, оила аъзолари билан яшаш уйдан бирга ўтирганлигини, унга қизлари томонидан туғилган кун табриги сифатида “Табрикнома” гуруҳини олиб келиб тантанали равишда туғилган куни билан табриклашганлигини, маросим яқунлангач ўзаро тортишув натижасида куёви унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳар хил сўзлар билан қасддан таҳқирлаб ҳақорат қилиб уни нафсониятига текканлигини, сўнгра уни тинчлантириш мақсадида “102” рақамига телефон қилганлигини, куёви ундан кечирим сўраганлигини, ўзаро ярашиб олишганлигини, унга нисбатан даъвоси

слиги ҳақидаги кўрсатуви билан;



-судда тарафларнинг розилиги асосида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 104-моддаси тартибида, дастлабки терговдаги кўрсатуви суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ Д.Хасанованинг кўрсатуви;

-шунингдек, жиноят ишидаги жиноят ишини кўзғатиш ва иш юритувга қабул қилиш ҳақидаги қарор (и.в 1); Н.Рнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ишонч телефонида қилган мурожаати (и.в. 10) ҳамда бошқа жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи У.Тнинг маъмурий жазо қўлланилгандан кейин ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасдан таҳқирлашда ифодаланган ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 4-қисмига мувофиқ, давлат органи томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Суд, У.Тга жазо тайинлашда, унинг айбига иқрорлигини, қилган ишдан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб эътироф этади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасининг 2-қисмида, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод қилинмаслиги белгиланган.

Суд, мазкур Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг талабларидан келиб чиқиб, У.Тга оид жиноят иши бўйича жабрланувчи Н.Р гарчанд, судга У.Тга нисбатан даъвоси йўқлиги унга етказилган зарар қопланганлигини ва ярашиб олишганлигини билдирган бўлса-да, У.Т муқаддам оғир жиноятни содир этиб судланганлиги ва судланганлик ҳолати тугалланмаганлиги боис, иш юритишни умумий асосларда кўришни лозим топади.

Суд судланувчи У.Тга жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7, 8-моддаларида назарда тутилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги



1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, у айбли деб топилган Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2025 йил 20 июндаги ҳукмига кўра тайинланиб, ўталмай қолган 11 ой 13 кун озодликни чеклаш жазосига ушбу ҳукм билан бўйича тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосинининг уч кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, ушбу ҳукм бўйича тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосига қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашликни ҳамда унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишликни лозим топади.

Суд, юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 472-473-моддаларига амал қилиб

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

У.Т (У.Т) Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

У.Тга Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг ўн фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

У.Тга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2025 йил 20 июндаги ҳукмига кўра тайинланиб, ўталмай қолган 11 ой 13 кун озодликни чеклаш жазосига ушбу ҳукм билан бўйича тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосинининг уч кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил Самарқанд вилояти Оқдарё тумани “Пўлатдархон” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли “Дўстлик” боғдорчилик узумчилик мулкдорлари ширкатига қарашли рақамсиз уйдаги доимий яшаш уйидан ишлаш ва ўқиш вақтидан, шунингдек иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқиши чекланган ҳолда 1 (бир) йил 1 (бир) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

У.Тга Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 3-қисмига асосан озодликни чеклаш давомида;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин.

У.Тга Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-қисми талаби, яъни жазони ўташдан бўйин товлаган ҳамда ўз зиммасига қўланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, ўталмай қолган муддатини ҳисобга олган ҳолда қўрилган жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.



Жазони ижросини назорат қилиш Оқдарё туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин ва жазони ўташ муддати Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг У.Тга нисбатан қўлланиланган муносиб ҳуққ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргач ушбу судга кассация тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

(имзо)

Ш.Турсунов

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Ш.Турсунов

